O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 10 июн шанба
Сотувда эркин нархда
№ 111 (2408)

# ДОНИШМАНД ХАЛҚИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ИРОДАСИГА ИШОНАМАН

## Президент Ислом Каримовнинг "FIDOKOR" газетаси мухбири саволларига жавоблари



**Бугун биз янги давлат, янги жамият қураётган эканмиз, бу тизимда ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос, шу билан бирга, мутлақо янгича маъно касб этиши шубҳасиз. Аввало, шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари батамом янгича мазмун ва шакл топиши, янги хусусиятлар, янги тамойилларга асосланиши керак.**

**Бошқача қилиб айтганда, буларнинг барчаси янгича қадриятлар ва демократик принциплар моҳиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, биз барпо этишга интилаётган адолатли жамият талабларига жавоб берадиган муносабатлар бўлмоғи даркор.**

**Бу жараённинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашга бўлган ўз муносабати ва ўрнини, керак бўлса, ўз бурчини ана шу асосда аниқлаб олиши зарур. Асосий эътибор шу вазифага қаратилиши керак.**

**Бу масала ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, шу тамойилларга таянган жамиятнинг ўзига хос ижтимоий шакл-шамойили, унинг қиёфаси, ривожланиш йўллари, устувор хусусиятлари тўғрисидаги аниқ тасаввур турли фикрлар, баҳс-мунозаралар орқалигина аён бўлишини эътироф этишимиз ва буни ўзимизга мезон қилиб олишимиз зарур.**

**Бунинг учун эса оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, жамиятимиздаги бугунги ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши лозим. Токи ҳар қайси инсон бу масалада ўз фикр ва қарашига эга бўлибгина қолмасдан, барпо этаётган жамиятимизнинг фаол иштирокчиси ва бунёдкорига айлансин.**

**Ислом КАРИМОВ**

**Савол.** Муҳтарам Президент, Сиз ўз фаолиятингизда миллий ғоя, миллий мафкура масаласига устувор йўналиш сифатида қараб келмоқдасиз. Хусусан, яқинда Оқсарой қароргоҳида зиёлилар билан ўтказган мулоқотингиз чоғида миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётимиздаги ўрни, унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар ғоят жиддий тарзда кун тартибига қўйилди. Бунинг сабаби нимада?

**Жавоб.** Бу ҳақда фикр юритишдан олдин бир масалага ойдинлик киритиб олиш зарур: мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, *ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган.*

Гап мана шу масаланинг, шу ҳақиқатнинг бугун жамиятимиз, халқимиз учун нақадар долзарб эканини эътироф этишда, моҳиятини чуқур англаб, олдимизда турган улкан вазифаларни амалга оширишда уни енгилмас кучга айлантиришдадир.

Чунки, мафкура — жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. *Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади.*

Менинг фикримча, мафкуранинг ҳаётийлиги унинг халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига не чоғли мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади. Фақат шундай мафкурагина ҳаёт ва давр синовларига бардош беради, одамлар унга ишониб, ўзининг иймон-эътиқоди сифатида қабул қилади. Шундагина у энг замонавий қуролдан ҳам кўра кучли руҳий-маънавий қудрат касб этади.

Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. *Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади.* Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Агар тарихга назар солсак, илгари кучли давлатлар заиф мамлакатларни очиқдан-очиқ босиб олиб, уларга ўз ҳукмини ўтказган бўлса, XX асрнинг охирига келиб, бундай сиёсат янги бир шакл касб этди. *Ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади.*

**Савол.** Бугунги кунда миллий мафкурани ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтаришга нима ундамоқда?

**Жавоб.** Маълумки, биз ўз миллий табиатимиз ва минг йиллик анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид бўлган сохта коммунистик ғоялардан воз кечдик. Лекин *мафкура дунёсида бўшликка йўл қўйиб бўлмаслиги, шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз.*

Асосий гап шундаки, агар ён-атрофимиздаги воқеликка теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, табиий заҳираларга бой, геополитик нуқтаи назардан ғоят қулай ҳудудда жойлашган юртимизга кўз олайтирадиган, бизга ҳукмини ўтказишни истайдиган турли кучлар мавжудлигини инкор этолмаймиз. Улар ўз ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги бугунги кунда аён бўлиб қолди.

Бу кучлар катта маблағ ва замонавий қурол-аслаҳаларга эга. Лекин уларнинг энг ёвуз қуроли — миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг ёмони, эртага ўрнимизни эгаллаши лозим бўлган ёш авлоднинг қалби ва тафаккурини заҳарлайдиган бузғунчи мафкурадир.

*Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар аввало мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда.* Нега деганда, ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, оқ-қорани таниб улгурмаган ёшлар ҳар турли таъсирларга берилувчан бўлади.

Мисол учун; баъзи ёшларни йўлдан чалғитаётган диний экстремизм хавфини олайлик. Бу хатарли оқим ўзига хос тарихга эга. Хусусан, 80-йилларнинг охирида мамлакатимизга ўзини "дўст", "диндош", "миллатдош" қилиб кўрсатиб, гўё ислом динининг софлиги учун курашга "даъват" этувчи айрим кимсалар кириб келди. Улар муқаддас динимизнинг асл моҳиятини билмайдиган оддий одамларни, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бизга бегона бўлган диний ақидаларни ёйишга уринди.

Албатта, бу ҳаракатларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Лекин ўша вақтларда соддалик қилиб, уларга хайриҳоҳ бўлганлар ҳам йўқ эмас эди. Миллатимиз, айниқса, фарзандларимизнинг кўнгли очиқ, содда, ишонувчан, андишали экани ҳаммага маълум. Уларнинг қалбида каттага ҳурмат, муқаддас динимизга интилиш туйғуси кучли. Чунки мўмин-мусулмон халқимизнинг тарбиясига, дунёқарашига Оллоҳ назари тушган юртимизда ўтган кўплаб азиз-авлиёлар, уларнинг табаррук қадамжолари ҳам ўз таъсирини ўтказиб келади. *Одамларимиз дилидаги мана шундай эзгу туйғулардан, иймон-эътиқод сари табиий интилишлардан айрим ғаразли кучлар ўз мақсади йўлида фойдаланишга уринаётгани бежиз эмас.*

Аммо ўша пайтларда — коммунистик тузум зулмидан эндигина озод бўлиб, эркин нафас ола бошлаганимизда бу масалани — яъни сунний-ҳанафий мазҳабимиз талабларини чуқур тушунадиган, Қуръони карим оятларини изоҳлаб, одамларга тўғри йўл кўрсатишга қурби етадиган уламолар, афсуски, жуда оз эди.

Шундай бир вазиятда ақидапарастлар жуда "чиройли даъват"лар билан чиқиб, айрим ёшларни ўзига маҳлиё қилишга эришди ҳам. Уларнинг ота-оналари, умуман, жамоатчилигимиз бу ҳаракатнинг ортида қандай мудҳиш мақсад ётганини, таассуфки, дастлаб англаб етмади. Наманган ва Тошкентда содир этилган қонли воқеалардан кейингина бу кучларнинг нияти ҳокимият учун кураш бўлиб, улар дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатининг бир тўдаси экани ошкор бўлди. Аммо жамоатчилик бу ҳақиқатнинг тагига етгунча қора кучлар ҳали дунёқараши шаклланмаган айрим ёшларни жаҳолат ва жиноят ботқоғига тортиб улгурди.

Яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз зарур. Мен ҳозирги вақтда минтақамизга хавф солиб турган диний экстремизм хатарини қисқача айтиб ўтдим. Наркобизнес; ноқонуний қурол-яроғ савдоси, террорчилик сингари таҳдидлар ҳам шулар жумласидандир. Лекин дунёда бир қарашда беозор, сиёсатдан холи бўлиб туюладиган шундай мафкуравий таъсир воситалари ҳам борки, уларга кўпда етарлича эътибор беравермаймиз.

Масалан, кейинги йилларда кўплаб намойиш этилаётган жангарилик фильмларини олайлик. Бу фильмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар мароқ билан кўради, чунки одамзот табиатан мана шундай тўполонларни томоша қилишга мойил.

*Аслида, менинг назаримда, одамнинг қалбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади.* Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ.

Шунинг учун онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди. Афсуски, бизнинг телевидениемизда ҳам шундай фильмларни намойиш этишга ортиқча ружу қўйилмоқда.

*Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Юқорида мен тилга олиб ўтган ва шунга ўхшаш зарарли таъсирлар давом этаверса, миллат ўзлигини йўқотиши, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.*

*Табиий савол туғилади: бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?*

*Бунинг йўли — одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир.*

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун аввало киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг **мафкуравий иммунитетини** кучайтиришимиз зарур.

*Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.* Ана шунда жоҳил ақидапарастнинг "даъвати" ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Шу маънода миллий мафкура масаласи биз учун бугунги кунда нечоғли муҳим ва долзарб эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**Савол.** Мафкуранинг зарурлиги ва унинг бугунги кунда аҳамияти ниҳоятда ўсиб бораётгани ҳақида тасаввур ҳосил қилдик. Энди миллий истиқлол мафкураси қандай хусусиятларга эга бўлиши ва қандай талабларга жавоб бериши кераклиги ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

**Жавоб.** Ижозатингиз билан мен бу саволни бироз бошқача тарзда қўйиб, миллий истиқлол мафкураси концепциясида қандай мақсадлар ва қандай устувор ғояларга алоҳида аҳамият бериш кераклиги ҳақида фикр юритишни ўринли деб билардим.

Чунки *жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олмасдан туриб миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассам этадиган миллий мафкурани шакллантириш мумкин эмас.*

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмадга

*Муҳтарам Саид Аҳмад ака!*

*Сизни ҳаётингиздаги қутлуғ кун – табаррук 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Халқимиз Сизни миллий маданиятимиз равнақига улкан ҳисса қўшган бетакрор сўз санъаткори, заҳматкаш адиб сифатида билади ва қадрлайди. Юртимизда сеҳрли қаламингизга мансуб гўзал романлар, ранг-баранг қисса ва ҳикоялар, саҳна асарлари кириб бормаган хонадон йўқ. Улардаги ҳаёт манзаралари, инсоннинг нозик қалб кечинмалари тасвири ўзининг миллийлиги, халқчил ва теранлиги билан адабиёт мухлисларининг меҳрига сазовор бўлган.*

*Миллатимиз руҳининг бадиий ифодаси бўлмиш "Уфқ" романи, жаҳоннинг турли мамлакатларида намойиш этилаётган "Келинлар қўзғолони" драмаси бу фикрнинг ёрқин далилидир.*

*Сиз босиб ўтган умр ва ижод йўли халқимиз ҳаётини, унинг яқин тарихини бутун мураккабликлари билан ўзида мужассам этган. Шу боис, нафақат бизнинг замондошларимиз, балки келгуси авлодлар ҳам халқимизнинг ўзига хос олижаноб фазилатлари, унинг бошига тушган оғир синовлар, бу йўлда аждодларимиз кўрсатган матонат ҳақида сизнинг асарларингиз орқали тасаввурга эга бўлади.*

*Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, сизнинг букилмас ирода ва қатъият билан давр бўронларидан мардона ўтиб, халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқаётган мана шу озод замонга етиб келганингизда ҳам теран рамзий маъно бор. Бу, одам яхши ният йўлида сабр-қаноат билан меҳнат қилса, албатта бахтли кунларга эришади, деган қадим ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.*

*Қадрли Саид Аҳмад ака!*

*Бугунги таваллуд айёмингиз янги маъно-мазмун билан бойиб бораётган миллий адабиётимизнинг, бутун халқимизнинг байрамидир. Эл-юрт хизматида ўтаётган умрингизга умр қўшилсин. Узоқ йиллар адабиётимизнинг азиз оқсоқоли, ёшларимизнинг меҳрибон устози бўлиб юринг.*

*Чексиз эҳтиром билан*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# ПРЕЗИДЕНТ ЭРОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**9 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо давлатлар раҳбарларининг олтинчи учрашувида иштирок этиш учун Теҳронга жўнаб кетди. Мазкур сафар чоғида мамлакатимиз раҳбари Эрон Ислом Республикасига амалий ташрифини ҳам адо этади. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, жумладан, шундай деди:**

– Ўзбекистон доимо ЭКОга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириб бориш тарафдори бўлиб келган. Шу боис, биз мазкур ташкилот доирасидаги ҳар бир учрашувда айни мақсадларнинг давомийлиги учун жон куйдирамиз.

Таъкидлашим керакки, ЭКО доирасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи бизни қониқтирмайди. Назаримда, ташкилотга аъзо бошқа давлатлар раҳбарларининг ҳам бу борадаги фикри шундай. Боиси, ЭКО аъзолари ўз олдига қўйган мақсадларга тўла эриша олмаяпти.

Кўнглимизга ўтирмайдиган яна бир жиҳат шундаки, ЭКО йиғилишларида баъзи давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар четда қолиб, ўз манфаатига мос сиёсий масалаларга урғу беради. Яъни, ўзини "катта оға" чоғлаб, бошқа мамлакатларга таъсирини ўтказмоқчи бўлади. Бу биз учун мутлақо маъқул эмас.

Икки йилдирки, Ўзбекистон Сарахс-Тежан-Машҳад темир йўли орқали Форс кўрфазидаги портларга чиқиш имкониятига эга бўлди. Натижада мамлакатимизга товар олиб кириш ва олиб чиқиш тахминан етти баробар кўпайди. ЭКОнинг бошланажак йиғилишида мен мана шу йўлни янада кенгайтиришни таклиф қилмоқчиман. Тан олишимиз керак, Эрондаги барқарорлик ва тартиб туфайли бу йўлдан ташиладиган Ўзбекистон молларининг хавфсизлиги тўла таъминланган.

Афғонистондаги вазият мазкур учрашувда муҳокама этилажак яна бир мавзу бўлади. Бугунги кунда ЭКО фаолиятида муайян ўзгаришлар бўлаётгани, олий даражадаги учрашувларда кўплаб масалалар хусусида фикр алмашилаётгани бор гап. Бироқ, фикримча, агар Афғонистонда барқарорлик ва тинчлик ўрнатилмас экан, ЭКО доирасида ишлаб чиқилаётган лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида гапиришнинг ўзи беҳуда. Зеро, минтақа доирасида амалга ошириш мўлжалланаётган деярли барча режаларнинг тақдири мана шу муаммога тақалганча турибди.

Минтақа давлатларининг иқтисодий тараққиёти Афғонистондаги тинчликка боғлиқ бўлиб қолгани сабабли бу муаммони ҳал қилишга мазкур ҳудудда яшовчи халқларнинг ўзи киришиши зарур. Биламизки, Босния ва Герцеговина, Косово можароларига барҳам бериш борасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлган беш давлат ўзининг зўр саъй-ҳаракатини намойиш этди. Бироқ Афғонистон масаласига келганда улар, неча йилки, фақат қуруқ гап-сўзлар билан чекланиб қоляпти. Шундай экан, Афғонистон муаммосини ҳал этиш учун, аввало, ЭКОга аъзо мамлакатлар ўзаро бирлашиб ҳаракат қилиши зарур.

Пойтахт аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЭЛ РИЗҚИ НОБУД БЎЛМАСИН

**Самарқанд вилоятида айни кунларда ғалла ўрим-йиғимига жадал киришилди. Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи – пахтачиликда ғўза парваришини жадаллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.**

Эл ризқ-рўзи – ғаллани нес-нобуд қилмай қисқа муддатда уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш, бунинг учун барча имконият ва воситалардан самарали фойдаланиш, шунингдек, барча майдонларда ғўза парваришини юксак агротехника талаблари асосида ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилишда ана шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган тадбирда қишлоқ хўжалиги, ички ишлар вазирликлари вакиллари, вилоят раҳбарлари, туман ҳокимлари, мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишда ғаллани ўз вақтида саранжомлаб олиш борасидаги ишлар атрофлича таҳлил этилди. Айрим туманларда ғўзани парваришлашда лоқайдликка йўл қўйилаётгани кескин танқид қилинди. Хусусан, далага маҳаллий ўғит чиқариш, суғориш ҳамда ғўза касалликлари ва зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш борасида Челак, Пайариқ, Оқдарё, Иштихон туманларида ишлар ўлда-жўлда экани таъкидланди. Ушбу камчилик ва нуқсонларга тезда барҳам бериш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА)**

# САМАРҚАНД ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилди. "Ўзавтотранс" корпорацияси раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Пўлат Абдураҳмонов Самарқанд шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

**(ЎзА)**

# ДОНИШМАНД ХАЛҚИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ИРОДАСИГА ИШОНАМАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бунинг учун аввало биз қандай давлат, қандай жамият, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволга жавоб топишимиз керак.

Қисқа қилиб уларни қуйидагича ифода этиш мумкин:

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади — ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат.*

*Юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги кафолатланадиган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш. Ва шу асосда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига эришиш.*

Мамлакатимизнинг **сиёсий ва давлат қурилиши** ҳақида сўз юритганда, унинг қуйидаги асосий хусусиятларини айтиб ўтиш лозим. Яъни:

Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва виждон эркинлиги тамойилларини, гуманизм ғояларини ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш.

Демократиянинг зарурий шарти бўлган кўппартиявийлик муҳитини вужудга келтириш. Илгари ҳам таъкидлаганимдек, амалдаги кўппартиявийлик — бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир.

Миллий демократик давлатчиликни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлиниш борасидаги конституциявий тамойил асосида барпо этиш.

Маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вазифаларини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмалари ҳуқуқи ва мавқеини оширишни кўзда тутадиган "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" концепциясини амалга ошириш.

Фуқароларнинг ўз турмуши ва бутун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил этиш борасидаги фуқаролик жамияти тамойилларига тўлиқ мос келувчи фаол иштироки учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ғарб халқлари учун нотаниш, аммо миллий табиатимизга мос бўлган ўз-ўзини бошқарув усули — маҳаллани ривожлантириш ҳамда унинг мавқеини ошириш.

Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглиги ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли хавфсизлигининг муҳофазасини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни барпо этиш.

*Жамиятнинг асоси бўлган оилани мустаҳкамлаш. Негизида моддий жиҳатдан таъминланган, ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам оила бўлган адолатли жамиятни шакллантириш.*

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг таъсирчан воситаси, жамоатчилик назорати вазифасини бажарадиган, халқимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий тафаккурини юксалтиришга қаратилган эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш.

Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг **иқтисодий асоси** — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир.

Шуни барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, бундай йўл билан бугун дунёда кўп мамлакатлар тараққий топмоқда ва фаровонликка эришишда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Бу йўлнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у, бир томондан, ташаббус ва тадбиркорликни, одамнинг ўз кучи ва салоҳиятига суянишини рағбатлантиради, самарали хўжалик юритишга ўргатади, ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатларига бўйсундиради. Муқобиллик, рақобат асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини тинимсиз ривожлантириш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида кучли омил вазифасини ўтайди. Пировард натижада ҳаётимизни тез суръатлар билан ўстиришга, унинг сифатини юксалтиришга хизмат қилади. Оддий тил билан айтганда, халқ фаровонлигини, аҳолининг турмуш даражаси узлуксиз ошиб боришини таъминлайди. Бу ҳақиқат тарихда ўз исботини топган.

Мамлакатимизда ўтган саккиз-тўққиз йил давомида ўта марказлашган ва яккаҳокимлик асосида қурилган, ўзини оқламаган тизимга барҳам берилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, унинг пойдеворини яратиш йўлида, янги тизимга мос бўлган тегишли ҳуқуқий ва амалий тадбирлар ўтказилди.

Кўп укладли, яъни турли мулк тизимларини ўз ичига оладиган иқтисодиётни барпо этиш йўлида катта қадам қўйилди. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги учун конституциявий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатлар яратилгани, мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш ва кафолатлаш борасида сезиларли ишлар қилинганини таъкидлаш лозим.

Ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссиётини тарбиялаш, кичик ва ўрта корхоналарни изчил ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда салмоқли манба вазифасини бажармоқда.

Ҳозирги босқичда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, унинг ўз-ўзини мувофиқлаштиришида талаб ва таклиф асосидаги бозор механизмларидан кенг фойдаланиш, хўжалик юритувчи корхоналарга мустақиллик бериш, рақобат муҳитини яратиш, давлатнинг, турли текширувчи, назорат қилувчи органларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувига йўл қўймаслик устувор аҳамият касб этмоқда.

Бунда давлатнинг мувофиқлаштирувчилик вазифаларини қисқартириб, унинг зиммасида фақат иқтисодий таъсир ўтказиш воситалари ва омилларини сақлаб қолиш, тегишли ҳуқуқий майдонни шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларни таъминлаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бой табиий, минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалик ресурсларидан, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятимиздан тўлиқ фойдаланиб, харидорбоп, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариш, дунё бозорида ўзимизга хос муносиб ўрин эгаллаш, шунинг ҳисобидан сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни таъминлайдиган тизимни вужудга келтириш бугунги кунда бизнинг муҳим вазифамиздир.

Бозор инфратузилмалари — фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, маркетинг, инжиниринг, лизинг, консалтинг ва суғурта компаниялари, тадбиркорларга хизмат кўрсатиши лозим бўлган бошқа тузилмаларни вужудга келтириш, ривожланган молия-банк тизимини яратиш, банкларнинг кредитларни қайтара олиш имкониятларини ошириш ва низом капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш, банк ва бошқа молиявий муассасаларни инвестиция жараёнининг асосий бўғинига айлантириш ҳам иқтисодиётимизнинг ҳозирги босқичидаги вазифадир.

Бу борадаги энг муҳим вазифамиз — мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, унинг халқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида фаол иштирок этиши, жаҳон хўжалик алоқаларига кенг интеграциялашуви ва шу негизда дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб жой эгаллашига эришиш.

Бу эса ўз навбатида бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимини билимдон, юқори малакали, бозор шароитларида иш юритишнинг ўзига хос жиҳатларини яхши биладиган кадрлар билан мустаҳкамлашни тақозо этади.

Халқ моддий фаровонлигининг босқичма-босқич ва изчил ўсиб боришини таъминлаш, инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши ва камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолини, энг аввало, унинг ёрдамга муҳтож қатламлари — болалар, қариялар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофазалашнинг аниқ йўналтирилган кучли механизмини жорий этиш — шаклланиб келаётган миллий иқтисодий тизимдан кўзланган пировард мақсаддир.

*Биз барпо этаётган янги жамият юксак* ***маънавий*** *ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади.* Бу жараён миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади.

*Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат.* Ўтган тўққиз йил давомида — мустақил тараққиёт йилларида амалга оширган улуғвор ишларимиз ҳам бу ҳақда муайян тасаввур беради.

Мен нима учун бу тўғрида батафсил фикр юритяпман? Чунки бу масалалар бизнинг ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизни ёритиб, жамиятимиз мафкураси, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маъно-мазмунини белгилаб беради.

*Эндиги энг долзарб вазифамиз — бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат.*

Бунинг учун, биринчи галда, тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши — жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожи ҳақида *махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабоп адабиётлар яратиш зарур.* Чунки, ҳозир мактаб ўқувчиси ёки талабадан мана шу масалалар ҳақида фикр сўрасангиз, изчил, аниқ, атрофлича жавоб беришга, керак бўлса, ўз фикрини исботлаб беришга қийналади. Ўйлайманки, бу — олдимизда турган энг муҳим масалалардан биридир.

Сир эмас, фаолиятимизда кишига жуда ғалати туюладиган бир камчилик бор. *Амалдаги давлат ва жамиятимиз қурилишида, иқтисодиётимиз ва маънавиятимизни шакллантиришда мутлақо янги-янги қадамлар қўйилмоқда, замон талабларига ҳамоҳанг ўзгаришлар рўй бермоқда, аммо мактаб ва ўқув юртларида болаларимизга, эртага бизнинг ўрнимизни босиши лозим бўлган ўз фарзандларимизга даққиюнусдан қолган дарслик ва китоблар асосида билим ва тарбия бермоқдамиз. Бундай ачинарли ҳолатларга барҳам бериш вақти келди.*

Миллий мафкура яратиш ҳақида сўз юритар эканмиз, **биринчидан,** шуни чуқур англаб олишимиз даркорки, бу вазифа бир йиллик ёки беш-ўн йиллик иш эмас. Халқ, миллат ўз миллий мафкурасини бутун умри давомида такомиллаштириб, бойитиб боради. Чунки *мафкура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас.* Бу — узлуксиз жараён бўлиб, ҳаёт давом этар экан, унинг шиддатли суръати туфайли мафкуранинг олдига қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам пайдо бўлаверади. Яъни, миллат манфаатларига жавоб берадиган, тинимсиз ўзгариш ва янгиланишни тақозо этадиган миллий мафкурани яратиш учун мунтазам иш олиб бориш зарур.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, миллатнинг мафкураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бутун халқни бирлаштирадиган байроқ бўлмиш мафкурани шакллантириш учун инсоният тарихининг турли даврларида Худонинг ўзи ақл-заковат, истеъдод, куч-қувват ато этган, ёркин тафаккурга эга бўлган буюк шахслар заҳмат чекканини кўрамиз. Мана, Конфуций ва Махатма Гандини, Форобий ва Баҳоуддин Нақшбандни олайлик. Бу зотлар умумбашарий тараққиёт миқёсида танилган, теран инсоний ғоялар, маънавий бойликларнинг қадр-қимматини чуқур англайдиган донишманд одамлар бўлган.

*Миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, халқ ва Ватан равнақи учун ҳаётини бағишлайдиган фидойи зиёлилари меҳнат қилиши лозим.*

**Иккинчидан,** бир ҳақиқатни ўзимизга яхши англаб олишимиз керакки, *миллий мафкурани тепадан туриб яратиб ва ҳаётга жорий этиб бўлмайди. Бу — ниҳоятда принципиал масала.* Албатта, миллий мафкуранинг асосий йўналишларини, унинг ўзига хос хусусиятларини мутахассислар, олимлар ва мутафаккирлар ишлаб чиқади.

Лекин бундай мафкура шу мамлакатда яшайдиган барча аҳолининг, дейлик, ҳар бир деҳқон, ишчи ёки хизматчининг, зиёлининг юрагидаги ғоялар, туйғуларни мужассам этиб, унга бунёдкорлик руҳини бахш этиши лозим. Миллион-миллион одамларнинг қалбидаги эзгу интилишларни, уларнинг ҳаёт мазмунини ифода қилиш эса осон иш эмас. Бунинг учун биз диалектика қонуниятини, яъни муайян бир шахс билан бутун бир халқ орзу-интилишларини уйғун ҳолда қандай акс эттириш масаласини яхши тушуниб олишимиз зарур. *Сокин кабинетларда туғиладиган бир мафкурани ўз-ўзидан ҳаётга, унинг барча қатламларига сингиб кетади, деб ўйлаш — хомхаёлдан бошқа нарса эмас.*

*Миллий истиқлол мафкураси халқимизга хос бўлган энг муқаддас туйғу ва тушунчаларнинг мужассам ифодаси бўлиши керак.*

Мисол учун, **Ватан туйғуси**ни олайлик. Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, *инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади.*

Машҳур шоиримизнинг "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" деган чуқур маъноли саволини ўзимизга бериб, унга ҳар биримиз қалбимиздан жавоб излашимиз керак, деб ўйлайман.

Ёки **она тилига муҳаббат** масаласи. Жамики *эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади.* Мен бу масалани алоҳида таъкидлаб айтаётганим бежиз эмас. *Она тили — бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар.*

Бой ва гўзал она тилимиз билан узвий боғлиқ ҳолда ўлмас **миллий қадриятларимиз** ҳам мафкуравий тарбиямизнинг муҳим бир қисми бўлмоғи лозим.

Масалан, **аёлнинг** оиладаги, жамиятдаги мавқеини олиб қарайлик. Тарихимизнинг қайси даврига назар солмайлик, *Аёл ва Она мудом эзгулик тимсоли, мураббий ва комил инсон тарбиячиси бўлиб келганини кўрамиз.*

Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси аввало **оиладан** бошланади. Шу боис *оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир.* Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий — ахлоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз.

Ёхуд жамиятимиз ҳаётидаги тотувлик ва инсон тарбиясининг яна бир беқиёс таянчи — **маҳаллани** олайлик. Тарихнинг гувоҳлик беришича, юртимизда дастлаб дарё бўйларида ҳаёт пайдо бўлган. Табиат қийинчиликларини, ташқи хавф-хатарларни биргаликда енгиш, ерларни ишлашда кучларни бирлаштириш, яхши-ёмон кунларда бир-бирига елкадош бўлишга интилиш туйғуси олис аждодларимизни жамоа тарзида яшашга ўргатган.

Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. *Шу маънода, маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин.*

Шу ўринда масаланинг яна бир томони — **умуминсоний қадриятлар** ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. *Асрлар давомида халқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар такомилига улкан ҳисса қўшган. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам.*

Шу билан бирга, миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби бетакрор фазилатлар ва халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўнгиллилик хусусиятлари ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин.

Демак, миллий мафкура концепциясини яратишда бу масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Ёки энг нозик, мураккаб бўлган **дин масаласини** олайлик. *Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келяпти, деб сўрашса, бу — аввало муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим.* Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик.

Биз ҳаммамиз, "Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман", деб эътиқодимизни эътироф этамиз. *Оллоҳ барчамизнинг қалбимизда, юрагимизда. Яратганни доимо ёд этамиз, ундан мадад сўраймиз. Бинобарин, ислом дини ҳаётимизнинг туб замирига чуқур сингиб кетган. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат.* Шундай экан, миллий истиқлол мафкурасида муқаддас динимизнинг моҳияти, унинг инсонпарварлик ғоялари, динга соғлом муносабат масалалари ҳам ўзининг оқилона ифодасини топиши зарур.

Токи, ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман, дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин. Ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасида мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак.

Шу ўринда таъкидламоқчи эдимки, *дунёвийлик,* айрим ақидапараст кимсаларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, асло *даҳрийлик эмас.* Биз бундай нотўғри ва ғаразли талқинларга мутлақо қаршимиз.

Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида **маърифат**нинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими — уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолатга эришувида катта таъсир кучига эга.

Лекин бугун ўрта ва олий ўқув даргоҳларидаги таълим-тарбия жараёнларида фойдаланилаётган дарсликлар, дастур-қўлланмалар, китоблар қандай мафкурадан озиқланган? Уларда эски тузум давридан қолган ғоявий қарашлардан тўлиқ воз кечилганига ким кафолат бера олади? Бу ҳақда қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда.

Афсуски, биз мамлакатимизда ижтимоий фанларнинг ривожи замон талабларидан ортда қолаётганини тан олишга мажбурмиз. Бу борадаги хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришимиз лозим.

Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба — бу ҳаққоний ёритилган **тарихдир.** *Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди.* Чунки мафкуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган.

Лекин бизда тарих ва фалсафани узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш малакаси етарли эмас. Аслида тарих ва фалсафа мантиқий равишда бир-бирини тақозо этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқ-қорани фарқлашда асос бўладиган фанлардир. Бироқ бизда ҳалигача фалсафа бўйича талаб даражасидаги дарсликлар, "Жаҳон фалсафаси", "Шарқ фалсафаси" каби зарур китоблар яратилмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницще ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса? Ахир, бизда бир эмас, иккита файласуфлар жамияти, махсус Фалсафа ва ҳуқуқ институти, олий ўқув юртларидаги фалсафа кафедраларида ишлаётган юзлаб фан номзодлари ва докторлари, профессорлар бор-ку!

Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. *Шу боис ҳақиқатни топиш учун карама-карши фикрларни ўртага ташлайлик, муҳокама қилайлик.* Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин.

Мана, мисол учун Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзистенциализм ғоялари, Бердяев ва бошқаларнинг фалсафасидан ўргансак, фойдадан холи бўлмайди.

Мен ғарб фалсафасида ҳам барча муаммолар ечилган, демоқчи эмасман. Биз кўп масалаларда ғарб файласуфларининг фикрлари билан, айниқса, индивидуализм, эгоизм қарашларини илоҳийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин уларни ҳисобга олишимиз, кераклисини эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур.

**Савол.** Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мана шу суҳбатимиздан ҳам мавжуд мафкуравий таҳдидларнинг тинчлик ва барқарорликка, эркин ҳаётимизга ниҳоятда жиддий хавф солиб тургани ва уларга қарши жамиятдаги барча соғлом кучлар жиддий кураш олиб бориши зарурлиги яна бир бор ойдин бўлди. Бу таҳдидларни бартараф этишда энг асосий омил сизнингча нималардан иборат?

**Жавоб.** *Аслида ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат.* Тараққиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда. Аммо *ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда.*

Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади.

Албатта, мавжуд хавф-хатарлардан кўз юмиб бўлмайди, лекин менинг бир нарсадан кўнглим тўқ: *халқимиз тарихнинг катта-кичик синовларидан ҳамиша мардона ўтиб келган, ғаламис кимсаларнинг макру ҳийлаларига учмаган.*

*Чунки халқ — бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон.* Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Карвон бехатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо *халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди.*

Тарихга назар ташласак, бунинг кўп-кўп мисолларини кўришимиз мумкин.

Лоақал мустақилликнинг дастлабки йилларини эсланг. Ўша пайтда минбарга чиқиб олиб ҳаммага ақл ўргатмоқчи бўлган "доҳий"лар ҳавойи гаплар, қуруқ ваъдалар билан одамларнинг бошини қотиришга хўп уриниб кўрган эди. Лекин бундан бирон-бир натижа чиқдими? Бир-икки соддадил кишининг ишониб, қарсак чалганини айтмаса, уларнинг чиранишларидан ҳеч қандай самара бўлгани йўқ. Эҳтимол, уч-тўртта одамни йўлдан оғдириш мумкиндир, аммо бутун бир халқни алдаш мумкин эмас.

*Халқ — ўзининг минг йиллик анъана ва тажрибалари, сўнмас хотираси ва буюк туйғулари билан яшаб келаётган қудратли куч.* Ёлғонга, алдовга дуч келган пайтда унинг асрий қадриятлари, доимо уйғоқ виждони тилга киради, ноҳақликка, қабиҳликка қарши курашга даъват этади.

Ўзингиз ўйланг, ўз тарихининг энг мураккаб даврларида ҳам, истибдод чангалида қолган кунларида ҳам сохта гапларга ишонмаган, оёғида кишан бўлса-да, олға қараб интилган *халқимиз энди — эркинлигини қўлга киритган, ўзлигини англаб етган бир замонда аллақандай кимсаларга эргашиб яна жаҳолат ва қуллик тузоғига қайтадими?*

Шу жиҳатдан қараганда, мана шундай озод кунларда билиб-билмай йўлдан тойиб, яъни куппа-кундузи йўлини йўқотиб, ёт элларда чалинаётган ноғорага ўйнаб юрган айрим ёшларнинг кўзини очишда миллий мафкурамиз муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Чунки, *миллий мафкура — бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир.*

Халқнинг шуурида ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам буюк орзулар, эзгу ниятлар, келажакка, ёруғ кунларга ишонч яшаб келади. Ана шу ишонч бўлмаса маълум халқларнинг озодлик ва мустақиллик сари интилиши ва охир-оқибатда юксак тараққиётга эришиши мутлақо имконсиз бўларди.

Бизнинг эзгу интилишларимиз замирида ҳам ана шундай буюк ишонч бор. Аниқ мақсад йўлидаги бунёдкорлик ишларимиз амалий натижалар бера бошлаган, кўзлаган режаларимиз босқичма-босқич рўёбга чиқиб, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб бораётган бугунги кунда халқимиз, миллатимиз қалбидаги ана шу ишонч ва эътиқод янада мустаҳкамланмоқда.

Шунинг учун мен шонли тарихига садоқат билан, бугунини қадрлаб, келажагига ишонч билан яшаётган халқимизнинг донишмандлиги ва матонатига, унинг мустаҳкам иймон-эътиқоди ва иродасига ишонаман. Бу олижаноб фазилатлар ҳар қандай мураккаб, қалтис синовлардан мардона ва ёруғ юз билан ўтишда биз учун беқиёс куч-қудрат манбаи бўлади.

**(«FIDOKOR» газетасининг 8 июн сонидан олинди).**

# ОЛДИНДА — ИМТИҲОНЛАР

Тошкент Олий ҳарбий билим юртининг битирувчи курсантлари кеча дала машқларидан қайтишди. Бу машқлар тоғ шароитида тактик тайёргарлик бўйича таълимнинг якунловчи босқичи бўлди.

— Далада ўқув-машқларининг асосий мақсади оғир тоғ шароитида чегара бўйи қидирувини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича курсантларимизнинг амалий кўникмаларини пишиқтиришдан иборат эди, — дейди кафедранинг катта ўқитувчиси майор Г.Илёсов. — Машғулотлар Д.Отажонов, Р.Маматқулов, А.Головен каби офицерлар раҳбарлиги остида ўтди. Курсантлар чегара қидирув гуруҳи таркибида хилма-хил топшириқларни бажаришди.

Ўқув машқлари жараёнида лейтенант А.Головин, сержант А.Боймирзаев, курсантлардан А.Ризаев билан И.Резенкодан иборат қидирув гуруҳи тўрт нотаниш шахс билан юзма-юз учрашди. Улар ушланиб, суриштирилганида ёнларида ҳеч қандай ҳужжатлари йўқлиги маълум бўлди. Гаплари ҳам пойма-пой эди. Улар тоғда, чегара яқинида нима иш билан шуғуланишганлигини текшириш давом этмоқда.

Сув тўсиқларини ўтиш курсантлар жисмоний етуклиги ва матонатининг ҳақиқий синови бўлди. Жисмоний тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси Ю.Кожухин турли кечувлар ясашди ва тоғ дарёларидан ўтишди.

Дала машқлари якунини чиқариш чоғида қўмондон катта сержант М.Ушаков, курсантлардан С.Исоқов, А.Ризаев, И.Холназаровларнинг ғайрат-шижоати ва уқувини алоҳида таъкидлади.

— Дала машқлари битирувчиларимиз қўшинлардаги турли шароитларда хизмат вазифаларини бажариш учун етарли тайёргарликка эга эканликларини кўрсатди, — деди курсант бўлинмаси командири майор Х.Тўрахонов.

Ҳозирда курсантлар давлат имтиҳонларига тайёрланишмоқда.

**Шоёнбек КАРИМБОЕВ.**

## Мардлар қўриқлайди Ватанни!

# МАРОҚЛИ ДАМ — ХИЗМАТГА ҲАМДАМ

Ёшлар тарбиясида маданий ва маънавий қадриятларни ўрганиш, Ватанга муҳаббат, она-юрт учун қалбларга ғурур туйғуларини сингдириш муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис бизнинг чегара қисмимизда аскарларнинг маънавий, ахлоқий тарбиясига катта аҳамият берилаётир. Аскарларда ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш йўлида ҳар хил тадбирлар ўтказилмоқда. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган адабий-маънавий кеча фикримизнинг далилидир.

Пухта тайёргарлик кўрган аскарлар «Шоҳрухнинг туғилиши», «Амир Темурнинг Қарши хонлигини забт этиши», «Франция қироли ва элчиси», «Амир Темур ва Саодат Қутвол» саҳналарини намойиш этишди. Кичик сержант Шербек Махамбетов, оддий аскарлар Фазлиддин Даминов, Рустам Орипов, Сирожиддин Усмоновлар бу саҳна кўринишларини маҳорат билан ижро этишди.

Оддий аскар Одилжон Сувонкулов «Амир Темур» қўшиғини маромига етказиб куйлади. Амир Темур давлатчилиги, ҳаёти ва фаолиятига доир блиц-турнир саволларига оддий аскарлар Исмат Солиев, Иброҳим Аширқулов, Олим Сулаймонов, Шербек Шомуродовлар мукаммал жавоб беришди. Тарих фанлари номзоди, доцент Эшболта Қодиров аскарларнинг билим даражасини юқори баҳолади.

Қисм аскарлари иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, заҳирадаги подполковник Н. Дьяконов ва Н. Пахомов билан учрашишди. Фахрийлар ёшларга урушда халқимизнинг кўрсатган матонати ҳақида сўзлаб беришди. Аскарлар театри «Мотамсаро она» саҳнасини намойиш этди. Бу унутилмас кеча аскарларнинг фахрийлар билан суратга тушиши ва чойхонада бир пиёла чой устида суҳбати билан якунланди. Катта лейтенант Татьяна Медведева, старшина Б. Тожибоев ва кичик сержант И.Италмазовлар бу тадбирларни ўтказишда катта ташкилотчилик ишларини амалга оширишди. Ҳозирги кунда қисмимизда «Аскарлар қўшиғи» кўрик-танловига тайёргарлик кўрилмоқда.



**Дилбар ЭРГАШЕВА.**

**СУРАТДА: оддий аскар О. Сувонкулов қўшиқ ижро этмоқда.**


ТРИМОЛ

БОШ ОҒРИҒИ, МИГРЕНЬ, НЕВРАЛГИЯ, ТИШ ОҒРИҒИ, ШАМОЛЛАШ (ЮҚОРИ ТЕМПЕРАТУРА БИЛАН)

ҳар куни

ДОРИХОНАЛАРДАН СЎРАНГ

*Саволлар бўйича: СП «Сурхан Аджанта ЛТД», Т.Шевченко к., 54. 56-75-89, 56-75-84 телефонлари орқали мурожаат қилинг.*

2865



ТОЛИҚИШ СЕЗАЯПСИЗМИ?

ХАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

ТРИДЦАТЬ ПЛЮС

Атиги 2 дона капсула, ўзингизни кун бўйи бардам ҳис қиласиз.

ХАЙР ТОЛИҚИШ, ЯШАСИН БАҲОР!

2750


# ЁШЛАР ВА АТРОФ — МУҲИТ

Ҳозирги кунда экологик муаммоларнинг ечими борасида сезиларли саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Лекин шунга қарамасдан мамлакатимизда ер, сув, ҳаво заҳиралари, ноёб табиат манзаралари, ғорлар, шаршаралар, кўллар ифлосланиб, йўқолиб кетмоқда. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда 161 та дарахт тури, 163 та қушлар тури йўқолиб кетди. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асраб-авайлаш, ёшларимиз онгида экологик маданиятни шакллантириш бугунги кунимизнинг муҳим ва долзарб муаммосидир.

Шу муносабат билан куни кеча республика «Камолот» ва «Экосан» жамғармалари ҳамкорлигида экология муаммоларига бағишланган «Ёшлар ва атроф-муҳит» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ёшларимиз эътиборига экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қиладиган янги дастурни ишлаб чиқиш ва туман, шаҳар, қишлоқ, маҳалла ёшлари орасида кенг тарғиб этиш мақсад қилиб қўйилди. Анжуманда ёшлар ўртасида экологик отряд тузиш ҳамда яшил партия ташкил қилиш таклифлари илгари сурилди. Учрашувда БМТ дастур раҳбари Ричард Ромарс, Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Николас Осмонеску, Бангладеш Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Муҳан Алихон, мамлакатимиз вазирлик ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**



# ТАНИ — ЖОНИНГИЗ СОҒ БЎЛСИН!

*Олий тоифали врач Муҳаббатхон Муслимовани 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти клиникасининг стоматология бўлимидагилар беҳад ҳурмат қилишади. Мудом «Бизнинг опамиз», «Устозимиз», дея эъзозлашади. Бу бежиз эмас. У чорак асрдан буён ўз касбини ардоқлаб, самарали меҳнат қилиб келади. Шифобахш қўллари ила ҳар куни қанча-дан-қанча кишиларнинг дардига малҳам қўйди. Шу билан бирга, устоз сифатида даволаш сир-асрорларини ўргатади.*

*— Менинг энг эзгу тилагим, — дейди Муҳаббатхон опа ширин жилмайиб, — барчангизнинг тани-жонингиз ҳамиша соғ бўлсин. Ҳеч қачон дард кўрманг. Оппоқ-соғлом тишларингиз садафдек ялтираб, ҳуснингизга ҳусн қўшиб турсин!*

**СУРАТДА: Муҳаббатхон Муслимова беморнинг тишини муолажа қилаётган пайт.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

*ахборотларнинг ишончли сақланиши ва муҳофазасини таъминлаш учун зарур дастурий ва техника воситаларини, шунингдек, ҳисоблаш техникаси аппаратларини таъмирлаш ва техник қўллаб-қувватлаш учун керакли эҳтиёт қисмларни харид қилиш мақсадида*

тендер эълон қилади.

**Тендерда қатнашишни хоҳловчилар маълумот олиш учун ушбу эълон газетада эълон қилингандан кейин 20 кун муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 166-уй. МТТ бўлими. Телефонлар: 173-35-48, 173-34-21.**

2983



ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ ЎЗБЕКИСТОН КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

ЮРИДИК ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ЎҚУВ ДАРСЛИКЛАРИНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ҚИЛИШ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқароси, олий юридик маълумотга эга бўлган муаллифлар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. *Ариза*
2. *Муаллиф ҳақида маълумот*
3. *Тавсиянома*
4. *Нашрга тайёрланган қўлёзманинг якуний нусхаси*
5. *Ўқув юрти илмий кенгашининг қўлёзмани нашрга тавсия этиш тўғрисидаги қарори,*

Тақдим этиладиган қўлёзма аввал нашр қилинмаган ва нашриётларга тақдим этилмаган бўлиши керак. Тақдим этилган ҳужжатлар муаллифга қайтариб берилмайди.

*Тўлиқ маълумот ва ариза нусхасини олиш учун Очиқ Жамият Институти Ўзбекистон Кўмак Жамғармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:*

Тошкент шаҳри, Зарбоғ кўчаси, 31-уй. (Мўлжал: «Россия» меҳмонхонаси)
Тел/факс.: 120-68-54, 152-27-41, 152-36-98, 152-39-15, 152-39-16, 152-39-98, 152-39-33.
E-mail: Jumanazar@osi. freenet. uz
Ҳужжатлар 2000 йилнинг 31 июлига қадар тақдим этилиши шарт.

2979



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 9 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ*

1997-2000 ЙИЛЛАРДА ФУНДАМЕНТАЛ ВА АМАЛИЙ-ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ЭНГ МУҲИМ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади:**

1. *Фундаментал тадқиқотлар*
2. *Амалий илмий-техник ишланмалар*
3. *Экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқишга мўлжаланган ишланмалар ва технологиялар.*

*Ҳар уччала йўналиш бўйича биттадан танлов ғолиби белгиланади (ҳар бирига 100 минг сўмдан мукофот).*

**Танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2000 йил 30 июлгача.**

Танловга мулкчилик шаклидан қатъий назар турли ташкилотлар, шунингдек, алоҳида олим ва мутахассислар томонидан бажарилган ишлар тақдим этилиши мумкин.

**Ишларни тақдим этиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби билан ЎзР ФТДҚда танишиш мумкин.**

Ишларни тақдим этиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича барча саволлар билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
**700017, Тошкент ш., Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 29.**
**Телефонлар: 139-16-80, 139-15-40, 139-18-46.**

2975



ООО «КАРТАШ-СЕРВИС» ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АВТОРЛАШТИРИЛГАН ДИЛЕР

KÄRCHER

ГЕРМАНИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН АВТОМОБИЛЬ ЮВУВЧИ АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА ТОЗАЛАШ ТЕХНИКАСИ.

- Ёпиқ цикл тармоғи билан ишлайдиган автомобиль ювувчи асбоб-ускуналар
- Юқори босимли (230 атмосферагача) ювувчи аппаратлар
- Пол ювувчи ва супурувчи техника
- Қуруқ ва нам ҳолда йиғиштирувчи чанг ютгичлар.
- Кимёвий тўқимачилик қопламалар ва автомобиль салонлари учун аппаратлар
- Чиқим материаллар, эҳтиёт қисмлар, кафолатли ва сервис хизмат кўрсатиш
- Ҳамма турдаги маиший автомобиль ювиш жойлари.




Тошкент ш., Ойбек кўч., 47, офис 501.
Тел./факс: 55-23-18.
Тел.: 54-94-02. E-mail: kartash@online.ru.

2740



Тошкентдаги омборхонадан

*Россияда ишлаб чиқарилган турли хил*

АККУМУЛЯТОРЛАР ВА ЭКСКАВАТОР (ЭО-3323)

*сотилади.*

Махсулотлар учун кафолат берилади.

Тел/факс: 78-31-11; 78-76-87.

2920



ТАШКИЛОТ

ДУ-20, ДУ-50, ДУ-76 мм, пўлат қувурлар сотади.

Мулоқот учун телефонлар:
41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61, 41-27-04, 46-19-46, 144-38-18 (факс).

2647


Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети раҳбарияти ва жамоаси Электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультети «Физикавий электроника ва ярим ўтказгичли асбоблар» кафедраси мудири, профессор М. Баҳодирхоновга акалари

**Муҳаммад Бақир БАҲОДИРХОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўздунробита» қўшма корхонаси жамоаси Янгийўл бўлими бошлиғи С.В. Зиновоевга турмуш ўртоғи

**Татьяна ЗИНОВОЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзтелерадиокомпанияси жамоаси республика радиосининг диктори Фаҳриддин Зайнитдиновга онаси

**ФАРОҒАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Гўшт-сутсавдо» давлат акциядорлик жамияти контракт бўлими товаршуноси Хожиниса Шоусмановага оталари

**ҚАИМ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш Маркази раҳбар муовини Р.М. Мусаевага падари бузруквори

**Мирзабаҳром ота МАШАРИПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — А. ШОКИРОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.10*
1 2 3 4 5 6